Госархив Давлат кутубхоналар палатаси
1 5 АБ 719841
Госархив Давлат кутубхоналар палатаси УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 177 (5468).
7 АВГУСТ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН

ТИКУВЧИЛАР ЗАРБДОР ВАХТАНИ БОШЛАШДИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахтани бошлашди.

Кеча корхонада кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Корхона партия комитети секретари Ш. Акбаров митингни очар экан, бирлашма тикувчилари москваликларнинг Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб 40 зарбдор меҳнат вахтаси ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусисини қизғин қўллаб-қувватлаётганликла р ини айтиб ўтди. Тикувчилар ўзларининг жанговар ва меҳнат анъаналарини шараф билан давом эттиришаяпти. Корхона Улуғ Ватан уруши йилларида мудофаа министрлигининг муҳим буюртмаларини бажарган эди.

Ҳозир корхонада муҳим буюртмалар бажарилишига муносиб ҳисса қўшган ветеранлар, шунингдек ёшларнинг энг яхши мураббийларига айланган кўплаб фронтовиклар ишлашаяпти.

Минбарга яқиндагина юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган 1-цехнинг энг яхши бичиқчиси Флюра Полтаева кўтарилди.

— Коллективимиз фронт учун кўп ишлар қилган,— деди у.— Мана яқинда шонли юбилей — Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланади. Мен умумхалқ байрамигача шахсий беш йиллик планимни бажарганлик ҳақида рапорт бериш мажбуриятини оламан ва барча меҳнатчиларни меҳнат унумдорлигини муттасил оширишга чақираман.

Митингда сўзга чиққанлар — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Виктор Васильевич Панфилов, 10-тикув цехи комсомол-ёшлар бригадаси бригадири Маъсуда Алимова ва бошқалар коллективни Ғалаба куни шарафига бағишланган 40 зарбдор ҳафтани юксак савияда ўтказишга, 1985 йил январь ойининг биринчи шанбасида фронтдан қайтмаганлар хотираси учун ҳақ олмай ишлаб беришга чақирдилар.

Қабул қилинган резолюцияда қуйидагилар ёзилган: Буюк Ғалабани нишонлаш шарафига 40 зарбдор ҳафталик бошланади, 1984 йил плани 26 декабрда бажариладй, қўшимча 1,1 миллион сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилади. 1985 йилнинг 5 январида шанбалик ўтказилади, жанг майдонларидан қайтмаганлар хотираси учун ҳақ олмай ишлаб берилади, планга қўшимча 120 минг сўмлик фойда кўрилади, 12 минг квадрат метр газлама тежалади, тежалган материаллардан 240 минг сўмлик қўшимча тикувчилик буюмлари тайёрланади.

Умумхалқ байрами шарафига 7-цех коллективи, шунингдек Мамлакат Турсункулова, Флюра Полтаева, Луиза Ҳалилова, Полина Новосельцева, Галина Закритная, Татьяна Новикова юксак мажбуриятлар қабул қилишди. Улар Ғалаба куни арафасида ўн биринчи беш йиллик планларини ниҳоясига етказишга аҳд қилишди.

М. САВЕЛЬЕВ.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

ИЛҒОРЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармасида юбилей олди меҳнат беллашувларида Янис Казанис бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи донимо пешқадамлик қилиб келмоқда. Бу коллектив етти ойлик якун бўйича бошқармада яна биринчи ўринни эгаллади.

— Казанис бригадаси, — дейди бошқарма меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Тамара Сергеевна Трифонова, — Злобин методи асосида ишлаб, смена топшириқларини 25—30 процентга ошириб адо этмоқда. Ҳозирда коллектив 145-мактаб учун беш қаватли кўшимча бино қуриб бермоқда. Қурувчилар графикдан ярим ой ўзган ҳолда тез ва сифатли бажармоқдалар.

Бригаданинг пайвандчиси Алексей Юртаев, дурадгори Пётр Митишчев каби пешқадам ишчилари ўз меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Коллектив республикамиз юбилейини тўрт йиллик планни бажариш билан кутиб олишга, қўшимча бинони эса янги ўқув йилигача фойдаланишга топширишга аҳд қилган.

БУГУН — ЮБИЛЕЙ ОБЪЕКТЛАРИДА | ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

РЕПОРТАЖ

«КОСМОНАВТЛАР ПРОСПЕКТИ» СТАНЦИЯСИДА

Тошкент метросининг иккинчи линияси биринчи навбатн станцияларидан бири — «Космонавтлар проспектн»ни метро меъморчилигининг яна бир ажойиб намуналаридан бири деса бўлади. Қисқа муддат мобайнида метросозларнинг ғайрат-шижоати билан бу ер ости саройи лойиҳадаги кўринишга тушди. У пойтахтнинг марказий бозори ёнида бунёд этилмоқда. Худди шу ерда Космонавтлар майдонини бунёд этиш бўйича қурилиш ишлари амалга ошириляпти. Майдонга В. Жонибековнинг бюсти ўрнатилади...

Ер ости трассаси қурилишида иш қизғин. Бу тушунарли, албатта. Биринчи участкани фойдаланишга топширишга оз вақт қолди. Ҳали олдинда анчамунча ишлар бор. Шу жумладан, «Космонавтлар проспекти» станциясида ҳам талайгина ишларни ниҳоясига етказиш керак. Бу бекатни «Ташметрострой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари қурмоқдалар. «Космонавтлар проспекти» станциясининг шифти улкан космосни эслатади. Шашасимон баланд бўйли бекат устунлари камалак рангда товланади. Унинг ёритгичлари олис-олис юлдузларга ўхшайди. Қурувчилар тили билан айтганда, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Георгий Люсев бошлиқ бригада «биринчи ғишт қўйишдан» буён бу ерда тер тўкиб келяпти. Коллектив шу бугунга қадар катта ишларни амалга оширди — қурилиш-монтаж ишлари муддатидан тўрт ой илгари ниҳоясига етказилди. Бригада ютуғига Э. Қодиров, Г. Ғафуров, Л. Костенко, Р. Минибаев каби лаҳмчилар ва коллективнинг бошқа аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Албатта, бунда ёрдамчи-пудратчи ташкилотлар, шу жумладан «Ўзэлектромонтаж» трестининг 1-Тошкент монтаж бошқармаси, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси, СССР Транспорт қурилиши министрлигининг 820-қурилиш - монтаж поезди ва бошқаларнинг ҳиссалари каттадир. Улар объектда бир қатор махсус ишларни амалга оширдилар.

— Меҳнат унумдорлигини оширишда участка пудрати методи кўл келмоқда, — дейди 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи А. П. Семёнов. — Одамларимиз ғайратшижоат билан фидокорлик кўрсатмоқдалар. Улар зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис этишади. Ҳозирда биз ўз сўзимизнинг устидан чиқиш, республикамизнинг юбилейига қадар иккинчи линиянинг биринчи участкасини фойдаланишга топшириш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Айни пайтда станцияда пардоз ишлари охирлаб боряпти. Сайқал ишларини 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг А. Чупина ва В. Оганесянц бошлиқ бригадалар, шунингдек «Союзтранспецстрой»нинг С. Валеев бошлиқ бригадалари амалга оширмоқдалар. Г. Люстер бригадаси эса шифт платформаларини ўрнатиш билан банд. Бу ишлар сентябрь ойида ниҳоясига етказилади.

— Бизга омад кулиб боқди, — дейди қурилиш отряди комиссари Светлана Осепян. — Чунки Анна Анифановна Чупина бошлиқ ажойиб бригадада меҳнат қилмоқдамиз. Мураббийлар Н. Волощина, С. Герцева, Н. Гончаренко ва бригадирнинг ўзи бой тажрибаларини биз билан жон-жон деб ўртоқлашмоқдалар. Улардан ўрнак олган қизларимиз — О. Газбоева, Г. Павлова, Т. Ленчонколар яхши меҳнат қилишяпти. Ҳеч шубҳа йўқки, учинчи меҳнат семестри бизга жуда катта фойда келтиради.

...Бекат кундан-кунга чирой очмоқда. Унинг деворларига 12 та бадиий панно ўрнатилди. Уларнинг ҳаммаси космик мавзуга бағишланган. Биз бу ерда бутун умрини фазони, космосни забт этишга, уни ўрганишга бағишлаган сиймоларнинг портретлар галереясини кўрамиз. Уларда Улуғбек ва Циолковский, Гагарин ва Терешковалар акс этган. Станция интерьерлари, устунлари, платформа деворлари, Нурота мармари ва травертин, бадиий шиша ва керамикалар билан безатилган. Улар станцияга ажойиб кўриниш бермоқда. Бу ерга, 1-вестибюлга космонавтларнинг исми-шарифи ёзилган катта панно ўрнатилади.

Вақт тез ўтмоқда. Ҳадемай, ўша тантанали кунлар бошланади. Янги линия бўйлаб, бу муҳташам сарой орқали яшил экспресслар биринчи йўловчиларини олиб ўтадилар.

Т. ТОШЕВ,
Э. ЗОҲИДОВ.





СУРАТЛАРДА: бекатга ўрнатилган панноларлардан бири. А. Чупина бошлиқ илғор пардозловчилар бригадаси.

М. Нуриддинов фотолари.

Такомиллашган линия

Тошкентдаги кадоқлаш ва жойлаш ускуналари тажриба-конструкторлик технология бюроси коллективи яратган металл банкалар қопқоғини ёпиш учун механизациялашган линия шаҳримиз саноатида ўзига хос муносиб янгилик бўлмоқда. Бу такомиллашган янги ускуна, айниқса, лак-бўёқ заводида бўёқли идишларни қопқоқлашда жуда ҳам қўл келмоқда. Янгиликни тадбиқ этилиши натижасида унинг самарадорлиги ва ишончлилиги аниқланди. Натижада корхонага рекламациялар келиши кескин камайди, ишлаб чиқаришни тара идишлари билан таъминлаш қисман ҳал этилди, ишчиларнинг меҳнат шароити яхшиланди.

● ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

МАНЗИЛ ЯҚИН БЎЛАДИ

Шаҳар пассажир транспортининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан ҳаракат графигига аниқ риоя қилиш, машиналар миқдорига боғлиқдир. Баъзан шундай пайтлар бўладики, одамлар бекатларда трамвай ёки автобус кутиб, талай вақтни бекорга ўтказиб юборадилар. Шаҳримиз трамвай-троллейбус парки бу йил янги вагонлар билан янада бойиди. 20дан ортиқ шинам жиҳозланган трамвай ва шунча троллейбус олинди.

Бундан ташқари яна 30та янги троллейбус келтирилиши кутиляпти. Шундан 10 тасини чехословак дўстларимиз тайёрлашмоқда. Чехословакиянинг янги троллейбуси ярим ўтказгичли приводда ишлаши туфайли кўплаб электр қувватини тежаб қолади.

Автобус парки ҳам янги машиналар ҳисобига бойиб боряпти. Ярим йил ичида 30дан ортиқ «Икарус» ва Львов ҳамда Горький заводларининг 140га яқин машинаси келтирилди. Ҳозирги пайтда тошкентликларга ҳар куни 205 маршрутда 1050та автобус ва 3300 енгил такси хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари — ҳаётга

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

«Пленум кадрларни танлашнинг ленинча принципларига риоя қилиш учун партия комитетларининг масъулиятини кучайтиришни талаб қилди.»

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

Чилонзор район партия комитети пленумидан

Бу пленумга Чилонзор район партия ташкилотининг коммунистлари алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш масалалари бугунги кунда айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, корхоналар, қурилиш-монтаж ташкилотлари, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнат коллективлари фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кўп жиҳатдан бошқариш савиясига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва раҳбар кадрларнинг ишчанлик сифатларини текширишга боғлиқдир.

Пленум қатнашчилари — докладчи, район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқов, «Ташметрострой» трести партия комитетининг секретари Д. Левин, 2-пойафзал фабрикасининг директори И. Читалин, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нон ёпиш мастери Ф. Баширова, район комсомол комитетининг биринчи секретари А. Ивашкин, халқ хўжалиги институти партия комитетининг секретари М. Алиев, 7-автобус паркининг ҳайдовчиси А. Чернов ва бошқалар ўз эътиборларини ана шу муҳим вазифаларга қаратдилар.

Биринчи ярим йилликда саноат маҳсулотларини реализация қилиш плани муддатидан илгари бажарилди. Кейинги йилда эса саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 10,6 процент, меҳнат унумдорлиги эса 4,9 процент ошди.

Шу билан бир қаторда сўзга чиққанлар таъкидлашдики, агар район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг фаолияти бундан ҳам пухтароқ, партиявий принципиал бўлганда эди, меҳнат натижалари янада ошган бўларди.

Ҳозиргача давлат ва план интизомини қўпол суратда бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳолларига барҳам берилган эмас. Тошкент область ва шаҳар партия комитетининг пленумларида чилонзорликлар шаънига кўпгина танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Фақат 2-пойафзал фабрикаси ва ишлаб чиқариш корхоналари комбинати ярим йилликда шартнома бўйича 4,5 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб беришмади. Бироқ бу корхоналар раҳбарлари коллективни нуқсонларга барҳам беришга сафарбар этиш ўрнига енгил ва яроқсиз йўлга ўтиб олдилар — аҳоли эҳтиёж сезмаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни давом эттирдилар, уюм-уюм моллар омборларда чанг босиб ётибди. Масалан, фақат пойафзал фабрикасининг ўзидагина 54 контейнерда сотилмаган пойафзаллар йиғилиб қолган.

«Ташкентхлеб» бирлашмасида меҳнатни механизациялашнинг даражаси атиги 40 процентни ташкил этади. Бу ерда ҳамон сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Майда ўғирликлар сони камаймаяпти. Қимматли маҳсулотларни талон-тарож қилиш ҳоллари оз эмас. Лекин бирлашма партия ташкилоти, бирлашма директори Н. Шукуров, партия комитетининг секретари А. Абролов бундай ҳолга лом-мим дейишмаяпти, етилган масалаларни ҳал этишда етарлича ташаббускорлик кўрсатишмаяпти.

Сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни таъминламаётган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди. Бу танқид Чилонзор районига ҳам тўла тааллуқлидир. Беш йиллик бошидан буён районда асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 37 процент ошгани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми бор-йўғи 26 процент кўпайди, холос. Районда маҳсулотлар, айниқса кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг мавжуд имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётгани очиқ-равшан кўриниб турибди.

(Давоми 2-бетда).

Сергели район партия комитети пленумидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг кейинги пленумлари қарорлари Сергели райони коммунистлари учун сиёсий, ишчанлик, маънавий етукликкa масъулиятли кўрик бўлди. Сергели район партия комитетининг пленумида ана шу ҳақда принципиал, талабчанлик вазиятида сўз юритилди. Унда «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг якунлари ҳамда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Докладчи — Сергели район партия комитетининг биринчи секретари Б. Т. Турик шуни таъкидладики, район партия ташкилотининг олиб борган иши кўп жиҳатдан меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга ёрдам бермоқда, районни иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини асосан муваффақиятли ҳал этиш имконини бермоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг тўғри йилларида ишлаб чиқариш фондлари анча ошди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми шу давр ичида 23,5 процентга кўпайди. Қудратли ишлаб чиқариш потенциали барпо этилди.

Пленумда районнинг ажойиб меҳнатчилари номи тилга олиб ўтилди. Улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 4-автопарк ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Собиржон Каримжонов, Тошкент область йўл бошқармасининг бошлиғи Александр Горячев, 13-кўприк отряди бригадири Александр Подгорнов, «Октябрь 50 йиллиги» номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Саноат Шорахмедова, ошхона мебеллари заводининг операторлар бригадири Ҳикматилла Йўлдошев ва кўплаб бошқалар бор.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан «Узвторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тепловоз машинисти С. Абдуғаффоров, «Узоргтехстрой» трестининг бошқарувчиси Е. Власов, граждан авиациясининг 243-заводи бригадири А. Стрельцов ва бошқалар шуни таъкидлашдики, ҳозир энг асосий вазифа барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона ва максимал самара берадиган тарзда фойдаланишдан иборатдир.

Афсуски, пленумда бу борада кўпгина камчилик ва нуқсонлар борлиги айтиб ўтилди.

Районда ишлаб чиқариш фондларидан қониқарсиз фойдаланиляпти. Масалан, беш йилликнинг ўтган уч йилида металл конструкциялари ва махсус монтаж заготовкалари заводида асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 3,4 процент ошгани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 процент пасайиб кетган. «Вторчермет»нинг областлараро бошқармасидаги ишларнинг аҳволи ҳам яхши эмас. Пленум ушбу корхоналарнинг раҳбарлари Сенников ва Ушаковлардан умумхалқ мулки ва давлат маблағларидан янада самаралироқ фойдаланишни талаб этди.

Пленумда ёғочни қайта ишлаш, куёш тўсқич мосламалари, бинокорлик плиталари заводларида, «Узвторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасида қувватлардан тўла фойдаланилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай аҳволнинг бош сабабларидан бири хўжалик раҳбарлари ўз корхоналари ишининг кўрсаткичлари пастлигига кўникиб қолишганида, зарур самарали тадбирлар кўрмаётганидадир.

Айни пайтда пленумда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, районда давлат планларини бажариш вазифаларини ижодий, муваффақиятли ҳал этаётган кўплаб корхоналар меҳнат коллективлари бор. Ошхона ва бошқа мебеллар, темир-бетон конструкциялари заводлари, Тошкент авиакорхонаси, 13-кўприк отряди шулар жумласидандир. Уларнинг муваффақиятлари район қандай имконият ва резервларга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Бироқ партия ташкилотлари уларнинг иш тажрибаларини бўш ўрганмоқдалар ва ёймаётирлар.

(Давоми 2-бетда).

Меҳнат семестри — 84

АРМУҒОН

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институтининг стоматология факультети студентлари шу кунларда учинчи меҳнат семестрини зўр ғайратшижоат билан ўтказмоқдалар. Бешта студент-қурилиш отрядига бирлашган жангчилар шаҳардаги турли объектларда меҳнат қиляптилар. Айниқса, «Дўстлик» отрядидан қурувчилар мамнун бўлишяпти. Улар Октябрь массивида 1200 ўринли янги мактаб қурилишида бунёдкорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

— Мактаб калитини ўқувчилар қўлига топширишимизга саноқли кунлар қолди, — дейди 2-Пардозлаш тресги 48-қурилиш бошқармаси прораби Ю. Васильев. — Бу ишда бизларга студентлар катта мадад бўлмоқда. Ш. Раҳмонов, Э. Купанов, М. Қўлдошева ва бошқа ўнлаб студент-қурувчилар оғирмизни енгил қилишяпти.

Отряд аъзолари юбилей йилида ўз зиммаларига 30 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олган. Бу мажбурият муваффақиятли удаламоқда. Ҳадемай, бу ҳақда рапорт берилади. Демак, бу меҳнат сафари студент-қурувчиларнинг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйига муносиб армуғони бўлади.

З. НИЗОМОВ,
ТошМИ студенти.

● Футбол

ЯНА ЮТҚАЗИШДИ

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси навбатдаги тур учрашувини ўз майдонида Минскнинг «Динамо» футболчилари билан ўтказди. Ўйин майдон эгаларининг ҳужуми билан бошланди. Лекин биринчи бўлимнинг ўрталарида меҳмонлар ташаббусни ўз қўлларига олишиб, пахтакорчилар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазият туғдиришди. Минсклик футболчилар томонидан бурчакдан тепилган тўпни тошкентлик ҳимоячи Билолов қўли билан ўйнади. Судья Б. Бутенко ҳеч иккиланмасдан туриб майдон эгалари дарвозаси томон 11 метрлик жарима тўпи белгилади. Динамочи Сокол Яновский дарвозасига тўпни аниқ йўллади. Шундан сўнг пахтакорчилар ҳужумга яна зўр беришди. Улар меҳмонлар дарвозаси олдида икки маротаба хавфли вазият туғдиришди, лекин тўпларни дарвозага аниқ йўналтира олишмади.

Иккинчи бўлимда ҳам учта тўп киритилди. Уларнинг иккитасини динамочилар, биттасини пахтакорчилар киритди ва 1:3 ҳисобида яна мағлубиятга учрашди.

Навбатдаги тур ўйинида «Пахтакор» турнир пешқадами Ленинграднинг «Зенит» футболчиларини қабул қилади. Учрашув 11 августда бўлиб ўтади.

Ана шу турдаги қолган учрашувлар қуйидаги натижаларда тугади: «Динамо» (Москва) — «Жальгирис» — 1:2. «Металлист» — «Динамо» (К) — 2:2. «Днепр» — Армия спорт клуби — 6:2. «Шахтёр» — «Черноморец» — 1:1. «Нефтчи» — «Қайрат» — 1:0.

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Чилонзор район партия комитети пленумидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Промсвязь», «Авторемонт» заводлари, кўрлар ва карлар жамиятларининг саноат комбинатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда жиддий нуқсонлар мавжуд. Зотан, бу корхоналарнинг раҳбарлари А. Эйхер, С. Гаврилов, И. Горелкин, А. Рябова ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминламадилар, юксак иш натижаларига эриша олмадилар.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам нуқсонлар оз эмас. Шу беш йилликнинг ўтган йилларида қурилиш трестлари ва бошқармалари буюртмачи ташкилотлар 19 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари планини, асосий фондларни ишга тушириш бўйича эса 46 миллион сўмлик иш планини бажармадилар.

7-«Мостострой», «Спецэлеватормельстрой», 2-«Отделстрой», «Госкомводстрой»нинг «Промгражданстрой», механизациялашган колонна 23 миллион сўмлик ишни бажаришмади. Бунда раҳбарлардан Н. Адейшвили, Л. Нўъмонов, М. Бугаев, А. Ли, И. Раҳимжоновларнинг катта айби бор. Улар машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш масалалари билан ўлда-жўлда шуғулландилар.

2-«Отделстрой» трестининг иши орқага кетди. Фақат 1982 — 1983 йиллардагина салкам 3,3 миллион сўмлик пардозлаш ишлари плани бажарилмади. Бунинг устига иш ҳақи фондини 900 минг сўмдан зиёдроқ ортиқча сарфлашга йўл қўйилди.

153-қурилиш трести бошқарувчиси Б. Муҳиддинов ва партия комитетининг секретари Ю. Вилков жиддий танқиддан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Районда қурилган 14 та объектдан 9 тасида ярим йиллик планлари бажарилмади. Кислород станцияси, «Ёш гвардия» нашриётининг корпуси, бароцентр, чет тиллар институтининг корпуси каби муҳим объектларда иш планлари бажарилмади.

— Энг муҳим кўрсаткич — меҳнат унумдорлигини ошириш планини 1-, 12- ва 62-қурилиш бошқармалари (бошлиқлари Б. Белянов, Р. Фишер, С. Филифоров) бажаришмади, — деди 153-қурилиш трестининг 2-қурилиш бошқармаси бўёқчиси Л. Бекмуҳамедова. — Бу коллективларда янги техникани жорий этиш билан бўш шуғулланмоқдалар. Меҳнатни ташкил этиш паст савиядадир. Сменалар аро бўш туриб қолишлар, прогулларга барҳам берилган эмас. Бу ерда кадрлар билан жиддий тарбиявий иш олиб бориш, бу ишни тубдан яхшилаш керак. Трест бўлинмаларида бўлиб ўтган партия йиғилишларида коммунистлар бир неча лапашанг раҳбарларнинг яроқсиз иш усулларини кескин танқид қилишди. Масалан, Жуковский кўчасидаги турар жойлар қурилишида бракка йўл қўйгани учун 1-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи К. Тошпўлатов вазифасидан бўшатилди.

Транспорт ташкилотлари ишида кўпгина нуқсонлар аниқланди. Масалан, «Главташкентстрой»нинг автотранспорт ишлаб чиқариш бошқармасида паркдан фойдаланиш коэффициенти 0,1 процент, юк кўтариш 0,25 процент камайиб кетди. Юк ташиш ҳажми 45 минг тоннага, юк обороти эса 58 минг тонна-километрга ошириб ёзилгани аниқланди. 275 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари ортиқча сарф бўлган. 7-автопарк раҳбарлари маршрут автобусларининг аниқ ишлашига эриша олмадилар. Ёқилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлардан тежаб фойдаланмадилар.

Пленумда сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтишганидек, бу нуқсонларнинг ҳаммаси район партия комитетининг ва унинг саноат, қурилиш ва транспорт бўлими ишидаги жиддий нуқсонлар билан изоҳланади. Район партия комитетида саноат ва қурилиш корхоналари иши ҳали бўш таҳлил этилмоқда. Меҳнат коллективлари фаолиятини тубдан яхшилаш юзасидан ҳамиша ҳам самарали тадбирлар кўриляпти, деб бўлмайди. Қабул қилинаётган кўплаб қарорлар эса таъсирчан кучга эга бўлмаётир. Жойларда бу қарорларнинг бажарилиши етарлича назорат қилинмаётир.

Партия ташкилотлари ҳар бир раҳбарнинг ўз ғоявий-назарий савиясини оширишига ҳали эриша олган эмас. Бу эса ходимнинг айнишига, бойликка ҳирс қўйиши, мешчанлик ботқоғига ботишига олиб келмоқда, деб таъкидлашди сўзга чиққанлар. Масалан, «Ўзбекфильм» киностудияси директорининг ўринбосари А. Усачев ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, қизига сохта ҳужжатлар тўғрилаб 8 минг сўмни жиғилдонга урган, А. Усачев жиноий жавобгарликка тортилди. Штатмолия интизомини бузганлиги учун 181-мактаб директори Л. Верхових вазифасидан олиб ташланди.

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, ташкилий-партиявий ишларни тубдан яхшилашга, кадрларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга боғлиқдир. Кадрлар резерви билан етарлича индивидуал иш олиб борилмаётгани натижасида баъзан масъул лавозимларга лоқайд ходимлар қўйилмоқда. Масалан, район партия комитети бюроси «Ташавтотехобслуживани е» раҳбари Х. Ниёзматов, гўштсут саноати министрлиги, маориф министрлигининг ремонт-қурилиш бошқармалари бошлиқлари О. Қосимов, Д. Муродовларни вазифасидан олиб ташлашга ва КПСС сафидан ўчиришга мажбур бўлди. 7-автопарк директори А. Якубовский, 5-таксопарк бош инженери А. Қодиров, гўшт саноати институти директори Н. Пироговский, 44-турар жойлардан фойдаланиш участкаси бошлиғи Х. Тожиевлар коллективга раҳбарликда катта нуқсонларга йўл қўйганликлари учун вазифаларидан олиб ташланди.

Сўзга чиққанлар партиявий раҳбарлик бўшашиб кетган, танқид ва ўз-ўзини танқид барҳам топган жойларда айрим раҳбарларнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш йўлига ўтиб олишлари ҳақида кўплаб мисоллар келтиришди. «Ташгорпрокатразнобит» бирлашмасида директор Қурбонов бошчилигидаги бир группа ходимлар узоқ вақт мобайнида ўғирлик билан шуғулланиб келишган. Улар давлатга 140 минг сўм зарар келтиришган. Қурбонов партия сафидан ўчирилди ва жиноий жавобгарликка тортилди.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси, райпишчеторг, ошхоналар трести, ОРК партия ташкилотлари шу вақтгача совет савдоси қоидаларини бузишларга қарши амалий курашни кенг тус олдирмадилар. Район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари У. Қосимов, хизмат кўрсатиш соҳаларининг раҳбарлари, партия ташкилотлари бундай кўринишларга қатъий барҳам беришлари лозим.

Жиноятчиликни камайтиришда милиция, суд, прокуратура органлари катта роль ўйнаши керак, улар ўз ишларини тубдан қайта қуришлари лозим.

Раҳбарликнинг идора — бюрократик иш усулига тўла барҳам бериш, омма ўртасида ташкилотчилик ва идеология ишларини жонлантириш, ҳар бир ходимни топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш, партия ва давлат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур.

Чилонзор район партия комитетининг коммунистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қилган докладида берган йўл-йўриқларини жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Вазифа шундан иборатки, партия, совет, хўжалик қурилишининг барча участкаларида партия ишига, унинг сиёсатига чексиз садоқатли бўлган, юксак иш маҳоратига, замонавий билимларга, ташкилотчилик қобилиятига, вазифаларни умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этиш маҳоратига эга бўлган кишилар туришлари таъминланмоғи керак.

Район партия комитетининг пленуми қабул қилган қарорда район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига фантехника тараққиёти ютуқларини жадал жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тезроқ ва тўлароқ фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усули ролини янада кучайтириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қатъий ва изчил эришиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобака савиясини ошириш вазифасини юклади.

Чилонзор район партия комитетининг пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири В. Т. Кретов сўзга чиқди. Район партия комитетининг пленуми ишида шаҳар партия комитети бюроси аъзолигига кандидат Х. Х. Тошхўжаев иштирок этди.

Сергели район партия комитети пленумидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Район корхоналарида йилдан-йилга ўрнатилмаган дастгоҳлар сони камаймаяпти. Ҳозир эса уларнинг қиймати 5 миллион сўмдан ошиб кетди. Фақат резинатехника буюмлари заводида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган 404 минг сўмлик дастгоҳлар тўпланиб қолган. Завод халқ контроли комитети, партия ташкилоти директор Д. Микиртичевга етарлича талаб қўймаётир, деб таъкидланди пленумда.

3-автокомбинат партия комитетининг секретари А. Мирсоатов, электр механика заводининг ходими В. Червяков, «Октябрь 50 йиллиги» номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори С. Шораҳмедова ва бошқалар ўз сўзларида давлат ва план интизомини мустаҳкамлаш масалаларига асосий эътиборни қаратишди.

Пленум планларга тузатиш киритиш ҳолларини давлат интизомини ғоят кўпол тарзда бузиш деб қоралади. Фақат 1983 йилнинг ўзидагина бешта саноат корхонаси планларни камайтириш ҳисобига ўзгартирди.

Шу йилнинг 6 ойи ичида районнинг ҳар уч корхонасидан бири маҳсулотлар етказиб бериш мажбуриятини ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш планларини бажармади. Пленумда план интизомини бузувчилар қаторида ёғочни қайта ишлаш заводи (Т. Турсунхўжаев), темир-бетон конструкциялари заводи (Е. Кочкин), прессланган плиталар заводи (Д. Омонбоев), Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси (А. Мажидов), сунъий ва табиий кўн бирлашмаси (Л. Арушанов)ларнинг номлари айтиб ўтилди.

Маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, сифатини ошириш учун барча ишлар қилиняпти, деб бўлмайди. Пленумда Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси шаънига танқидий мулоҳазалар айтилди. Шу йилнинг 6 ойи ичида савдо ташкилотлари 4 миллион сўмлик мебелни рад этганлар. Торглар ўртасида тақсимланмай қолган маҳсулотларни қўшиб ҳисоблаганда бу рақам 10 миллион сўмга етади. Бош директор А. Мажидов корхонани техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, янги технологик жараёнларни ўзлаштириш, мебель турларини танлаш ва янгилаш, унинг сифатини оширишда етарлича ташаббускорлик кўрсатмади. Ҳолбуки, бунинг учун корхонада энг қулай шароитлар бор эди. Йўл қўйилган бу хатода партия ташкилотининг ҳам айби бор.

Пленумда жамоат транспорти ишидаги нуқсонлар ҳақида кескин гаплар бўлди.

Капитал қурилишда рўй берган оғир аҳвол ҳақида ҳақли равишда ташвишли фикрлар айтилди. Йил сайин халқ хўжалик планининг бир қатор муҳим объектларини фойдаланишга топшириш кетга суриб келиняпти. Маблағларни кўплаб қурилишларга сочиб юбориш ҳоллари давом этяпти. Топширилаётган объектлар сифати қониқарсиз бўляпти. Қувватлар ўз вақтида ишга туширилмаяпти.

Турар жойларни фойдаланишга топшириш бўйича беш йилликнинг уч ярим йили топшириқлари бажарилмади. Планлаштирилган 10 минг квадрат метрга яқин майдон фойдаланишга топширилмади. Янги микрорайонларни комплекс қуриш ва ободонлаштиришга риоя қилмаслик ҳоллари бор. Мактаб, болалар боғчалари, магазинлар ва бошқа социал, маданий-маиший объектлар қурилиши чўзиб юборилмоқда.

Пленум қурилиш бўлинмалари раҳбарларидан, район партия комитетининг саноат-транспорт бўлимидан капитал қурилишда қаттиқ тартиб ва қатъий интизом ўрнатиш юзасидан аниқ тадбирлар кўришни талаб этди.

Пленумда хизмат кўрсатиш соҳаларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги кўпол хатолар билан боғлиқ салбий кўринишларга танқидий баҳо берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қилган докладида берган йўл-йўриқлари бу ва бошқа соҳаларда ҳаракат программаси бўлмоғи керак, яъни партиявий раҳбарликнинг савияси энг аввало кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, ишда коллегиалчилик, қабул қилинган қарорлар ижросини контроль қилиш ва текширишни ташкил қилиш билан белгиланади.

Пленум қатнашчилари жамоат тартибини муҳофаза этиш борасида ишлар аҳволининг ёмонлашганлиги ҳақида жиддий ташвиш билан гапирдилар. Тартиб бузувчиларга қарши етарлича кураш олиб борилмаяпти.

Пленумда таъкидланишича, район партия ташкилоти ҳуқуқ-тартибот органлари ролини ҳар томонлама оширишлари, улар фаолиятини жиддий яхшилашга эришишлари зарур. Социалистик қонун талабларини қатъий ва тўла бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш, қонунчиликда, шу жумладан хўжалик соҳасида ҳам тартиб бузишларнинг олдини олиш ва уларни ўз вақтида аниқлаш юзасидан шошилинч чоралар кўрмоқ керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида район партия ташкилотининг идеологик, оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишдаги нуқсонлари очиб ташланди.

Энг муҳими, деб таъкидлашди пленум қатнашчилари, идеологик куч-ғайратлар марказини бугунги кунда меҳнат коллективларига, бошланғич партия ташкилотларига кўчириш керак. Ишчанлик, уюшқоқлик, амалий натижаларга эриша билиш идеология иш услубининг ажралмас хусусиятлари бўлмоғи керак. Пленумда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, районда кадрларни уларнинг ишчанлик ва сиёсий сифатларига қараб танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принципларини бузиш ҳоллари юз берди. Уларнинг фаолияти устидан кундалик контроль олиб борилмади.

Шундай шароитларда айрим маънавий беқарор ходимларнинг тубанликка юз тутиши содир бўлди, улар ўзларига билдирилган юксак ишончни оқламадилар, алдаш йўлига ўтдилар, баднафслик қилдилар, ўзларининг хизмат вазифаларидан ғаразли мақсадларда фойдаландилар.

Собиқ коммунист-раҳбарлар — «Вторчермет» областлараро бошқармасининг директори Лим, 4-автопарк директори Елоев ва Сергели бозорининг мудири Холхўжаевлар жиноят йўлига кирдилар. Ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганликлари, пора олганликлари учун бу раҳбарлар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Тошкент бирлашган авиаотрядининг собиқ командири ва унинг ўринбосари Лутфиддинов ва Ефимков партия сафидан ўчирилиб, вазифаларидан олиб ташланди.

Пленумда сўзга чиққан турар жой-ишлаб чиқариш эксплуатация трести бошлиғи Н. Абдуллаев, Тошкент бирлашган авиаотрядининг учувчиси А. Дьяченко, район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Расулова, район прокурори С. Раҳимхўжаев ва бошқалар шунга алоҳида эътиборни қаратишдики, раҳбар ходимларнинг фаолиятини пленумларда, бюро мажлисларида, партия комитетлари ва партия йиғилишларида мунтазам суратда муфассал таҳлил этиб бориш, принципиал, холисона баҳо бериш, уларни мунтазам ва изчил тарбиялаб бориш зарур. Токи ҳар бир раҳбарнинг сўзи билан иши бир, юксак принципиал ва маънавий пок бўлишига, кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишига, меҳнаткашларнинг фикр ва таклифларига эътибор билан қарашига эришиш лозим.

Партия ташкилотлари ҳар бир раҳбарнинг фаолиятини назорат остига олмоғи керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми берган бу принципиал кўрсатма қатъий ва изчил бажарилмоғи керак.

Район партия комитети пленумининг қатнашчилари қабул қилган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини, область ва шаҳар партия комитетларини ишонтириб айтишдики, район партия ташкилоти қайд этиб ўтилган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш учун бутун куч ва имкониятни сафарбар этади, она-Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейини муносиб кутиб олади, деб ишонтирдилар.

Сергели район партия комитети пленуми ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко иштирок этди. Пленумда Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев сўзга чиқди.



Коммунистик меҳнат зарбдори, илғор тўқувчи Озода Мақсумова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг мураббий ишчиси, фидокор тўқувчи республикамизнинг қутлуғ юбилейи шарафига белгиланган топшириқларни 13—140 процентдан бажариб, муборак санага муносиб армуғон тайёрлаш учун курашяпти.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) О. Мақсумова; (пастда) Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводининг меҳнат ветерани Алан Саъдуллаев. Илғорлар сафида бораётган тажрибали ишчи ярим автомат дастгоҳларидан бир йўла учтасини бемалол бошқариб, бошқаларга ибрат бўлмоқда.

М. Нуриддинов ва Х. Мирзакаримов фотолари.



БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

153-қурилиш трестининг меҳнатчилари Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ва совет савдоси техникуми абитуриентлари кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишлари учун ётоқхоналарнинг янги корпусларини топширдилар. Э. Винников бошлиқ сувоқчилар ва М. Пайзиев бошлиқ пардозловчилар бригадалари эса йиллик планни ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Улар илғор технологик усулардан фойдаланиб ва ўзаро мусобақалашиб ғоят унумли ишладилар. Шу тариқа улар ўз меҳнат имтиҳонини ва баҳога топширдилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АГРЕССИВ ЙЎЛ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

ТОКИО. Япония компартиясидан парламент депутати М. Окадзаки Рейган маъмурияти марказий Америкада мустақил суверен давлатларга нисбатан ўтказаётган зўравонлик ва ҳарбий товламачилик сиёсатини қўллаб - қувватлаётган Накасонэ ҳукуматининг сиёсатини кескин қоралади. М. Окадзаки Қўшма Штатлар революцион Никарагуага қарши бошлаган эълон қилинмаган уруш авж олдирилаётганлигини қаттиқ танқид қилди ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларидаги реакцион хунталарга берилаётган ёрдам тўхтатилишини талаб қилди. Вашингтон Лотин Америкасидаги миллий-озодлик ҳаракатини бостириш учун ана шу реакцион хунталардан кенг фойдаланмоқда.

«РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАР ВА СОЦИАЛИСТИК ҲАМДЎСТЛИК»

КОЛОМБО. «Ривожланаётган давлатлар ва социалистик ҳамдўстлик» — Коломбо ва Шри Ланканинг бошқа шаҳарлари китоб дўконлари пештахталарида ана шу китоб пайдо бўлди. Китоб муаллифи таниқли ёзувчи ва журналист Янадаса Пирисдир. Китобни халқаро муносабатларни тадқиқ этиш маркази нашрдан чиқарди.

Янадаса Пирис Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан олиб бораётган тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларини таҳлил этиб, ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари юзасидан уларнинг қарашлари бир-бирига мос ёки яқин эканлигини уқтириб ўтади. Мазкур давлатлар ялпи тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш учун, планетанинг турли районларида тинчлик зоналарини вужудга келтириш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш учун курашмоқдалар. Америка империализми ва унинг иттифоқчилари социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг мана шу ҳаётий муҳим масалалардаги умумий муҳолифидир», — деб таъкидлайди Я. Пирис.

Совет Иттифоқи, деб ёзади муаллиф, Куба, Вьетнам, Ҳиндистон, Сурия ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бошқа давлатлар билан дўстлик ва самарали ҳамкорлик алоқалари боғлаган. Китоб бобларидан бири Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасидаги кўп қиррали иқтисодий алоқаларга бағишланган.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БРИГАДА

БЕРЛИН. Олтита социалистик мамлакатдан, шу жумладан, Совет Иттифоқидан 500 дан кўпроқ студент Зуль округида ташкил қилинган К. Либкнехт номли халқаро ёшлар лагерига келди. Улар ГДР жанубидаги ана шу тоғли районда жойлашган давлат ўрмон хўжалиги территориясида ишлайдилар.

Ўн бешта интернационал бригада тузган йигит ва қизлар дарахт кўчатлари ўтқазиш, шунингдек ўрмонни шамол ағдариб ташлаган дарахтлардан тозалаш ишлари билан шуғулланадилар. Улар август ойининг ўрталаригача Ильменау шаҳри яқинидаги ўрмон хўжалигининг ўзидагина қарийб беш минг кубометр ёғоч тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Бу йилги ёзги меҳнат семестри доирасида республиканинг кўпгина районларида студентлар отрядлари тузилди. Бу отрядлар хўжалик объектларини қуришда, ҳосилни ўриб йиғиб олишда ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда кўмаклашмоқдалар.





ГРЕЦИЯ. Акрополдан Афинанинг қанчалик катта шаҳар эканлиги яққол кўриниб туради. Ҳозир Греция пойтахтида мамлакат аҳолисининг салкам учдан бир қисми — — 2,5 миллиондан зиёд киши истиқомат қилмоқда.

СУРАТДА: Афинанинг қадимий Акрополь девори оша кўриниши. Узоқда Ликавитос тоғи кўриниб турибди.

АДН—ТАСС фотоси.

ИТАЛИЯ. Италиянинг кўпгина шаҳарларида жиноятчиликни уюштиришларга қарши оммавий норозилик намойиш бўлиб ўтди.

«Камбио-16» журналидан олинган ушбу суратда Италия жамоатчилигининг норозилик намойиши акс эттирилган.

ТАСС фотохроникаси.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. Ливан президенти А. Жмайел вазиятни нормаллаштириш тадбирлари қандай амалга оширилаётганлиги билан танишиш мақсадида кейинги ярим йил мобайнида биринчи марта Ғарбий Байрутнинг бир қанча районларини бориб кўрди. Айрим жанжалларни ҳисобга олмаганда, умуман пойтахт осойишта бўлиб турибди. Шаҳар кўчаларидаги миналарни олиб ташлаш, баррикада ва тўсиқлардан тозалаш ишлари давом этмоқда.

АҚШ элчихонасини қўриқлаб турган Америка денгиз пиёда қўшинларининг сўнгги аскарлари Ливан территориясидан олиб чиқиб кетилди. Маълумки, Қўшма Штатлар Ливан халқига қарши ўзининг арабларга зид уюшмадаги стратегик иттифоқчиси — Исроил билан биргаликда қилган қуролли интервенцияси шармандаларча барбод бўлганлиги натижасида Америка қўшинларининг асосий қисми шу йилнинг февралида Ливандан олиб кетилган эди. Ўшанда Американинг ҳарбий кемалари ва артиллерияси Ливаннинг аҳоли пунктларига минг тонналаб снаряд ёғдирган, натижада тинч аҳолидан кўп киши ҳалок бўлган эди.

Бадном ҳарбий авантюра натижасида америкалик ҳарбий хизматчилардан 300 га яқини ҳалок бўлди. Аммо Қўшма Штатлар Ливанга нисбатан ўз кўпорувчилик режаларидан воз кечмай, мамлакат жанубида уя қуриб олган исроиллик агрессорларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бермоқдалар. Ливаннинг илғор матбуоти таъкидлаб ёзишича, Яқин Шарқ можаросини бартараф этишга доир ҳамма амалий таклифларни рад қилаётган АҚШнинг сиёсатигина бу районда чинакам мустаҳкам ва одилона тинчлик ўрнатиш йўлидаги энг катта ғовлардан бири бўлиб турибди.

Ливан жанубидаги ҳаддан ташқари кескин вазият давом этмоқда. Ўтган ҳафтада Исроил мудофаа министри М. Арено бу ерга келиб, Исроилнинг оккупациячи қўмондонлиги билан босиб олинган районни мамлакатнинг қолган қисмидан бундан буён яккалаб қўйиш тадбирларини муҳокама қилди.

Ливан ватанпарварлари интервенциячиларга тобора кучли зарба бермоқдалар.

• Антисанитарияга ўт очайлик

Ертўлани қуритиш қийинми?

Бизнинг уйда яшовчилар ва шахсан ўзим чивинларга қарши кураш бўйича кўп йиллик тажрибага эгамиз. Шунингдек, Чилонзор райони санитария - эпидемиология станцияси ва 5-ЖЭК билан бўлаётган курашимиз ҳам самара бермаяпти? Уйимиз ертўласидаги кўлмак сув йил сайин кўпаймоқда. Бу ерда чивинлар ўз авлодини кўпайтириш учун зўр қулайликка эга. Айрим кишилар ойналарини дока билан тўсишга интилиб, бу билан иссиқ кунда ўзларини тоза ҳаводан маҳрум этишяпти. Ҳа, диққинафасликка ёки бўлмаса чивин чиқишига тоқат қилишга тўғри келяпти.

Наҳотки, бу ҳашаротларни йўқотиш ҳал этиб бўлмайдиган муаммо бўлса? Ахир 20-йилларда ҳал этилган эди-ку?

Мен барча қўшинларим номидан газетаси мурожаат этаман: канализация ва водопровод қувурларини тартибга келтиришга, ертўлани қуритишга ЖЭКни, дезинфекция ўтказишга санэпидстанцияни мажбур қилишда ёрдам берин.

Л. МИХАЙЛОВА.
Чилонзор, 25-квартал 3-уй.

• «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Чивин қаёқдан учиб келмоқда?»

«Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси «Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 22 июнь сонида босилган «Чивин қаёқдан учиб келмоқда!» мақоласи юзасидан шуни хабар қиладики, чиндан ҳам Ўқчи кўчасидаги 107-уй яқинидаги Чуқур Кўприк кўлмак сувлари чивин кўпаядиган манбага айланган. Бу жой санитария-эпидемиология хизмати назорати остига олинди ва дезинфекция ишловидан ўтказиляпти. Ўша жойдаги кичкина ҳавза ва 4-корпус ёнидаги ботқоқликка айланган жойда ҳам чивинга қарши ишлов ўтказилди.

Ҳовлидаги авария қилатида бўлган маиший хона ва чиқиндихонани ҳам ишлов ўтказилди. Октябрь район уй-жой бошқармасининг 6-ЖЭКга чиқиндихонани йўқотиш ва ҳовлидаги маиший хонани тозалаш тоза тупроқ билан кўмиб ташлаш ва янгисини қуриш таклиф этилди.

Тадбирларнинг бажарилишини назорат этиб Октябрь райони санитария-эпидемиология станциясига топширилди.

Я. ПЎЛАТОВ,
шаҳар давлат бош санитария врачи.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
7 АВГУСТ, 1984 й.

ДЎСТЛАР САНЪАТИДАН ХУРСАНДМИЗ

М. Горький номидаги Тошкент рус академик драма театрининг Украина пойтахтида 60 минг дўсти пайдо бўлди. Бу санъат коллективи ўзининг шу ерга қилган гастролларини 3 август куни тугаллади.

Қардош республикадан келган артистларнинг спектаклларини олтмиш минг киши томоша қилди. Театр коллективи И. Франко номли театр саҳнасида бир ойдан кўпроқ вақт томоша кўрсатди, республика рассомлар уйида, кино ва актёрлар уйларида, шунингдек Киев областининг кўпгина районлари, қишлоқ клубларида ўз санъатини намойиш этди. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги катта иши, гастроль вақтида совет театр санъатини актив пропаганда қилганлиги учун Украина ССР Олий Совети Президиумининг унга топширилган Фахрий ёрлиғи коллективнинг ижодий ютуқларига берилган юксак баҳо бўлди.

Тошкентликлар Украина пойтахтига туҳфа қилган репертуар ўн беш спектаклдан иборат бўлди, шу тариқа томошабинларга хоҳлаган спектаклларини кўриш имконияти яратилди. Л. Ошаниннинг «Тошкент афсонаси» ва А. Кристининг «Айблов гувоҳи», С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» ва А. Хейлининг «Аэропорт», Ф. Дюрренматтнинг «Кекса хонимнинг ташрифи» асарлари горькийчиларнинг хилма-хил жанр устаси эканликларини намойиш этди.

М. Горькийнинг «Учовлон» повести саҳналаштирилганлиги киевлик театршунослар учун кашфиёт бўлди. «Радянська Украина» («Совет Украинаси») газетаси тақризчисининг фикрича, бу спектаклни ижодий коллективнинг энг яхши ютуқлари жумласига қўшиш мумкин, чунки у классик асарларга ижодий ёндошиш, уларни замона руҳида талқин этиш намунаси деса бўлади.

Грузин драматурги А. Чхеидзенинг «Соат учдан олтигача» номли публицистик пьесаси театр билимдонлари ва ишқибозларини жуда қизиқтирди.

Ёш саҳна усталари кўрсатган «Етти водий» деб аталган шеърий томоша ҳам самимий қабул этилди. Мутахассисларнинг фикрича, ёш санъаткорлар Навоий, Жомий, Умар Ҳайём, Ҳисрав Деҳлавий шеърларини замонавий оҳангда етказиб беришга, уларнинг лирик қаҳрамонлари образларини гавдалантиришга муваффақ бўлганлар.

М. Горький номли театрнинг гастроллари киевлик кўпдан-кўп томошабинлар учун унинг санъати билан биринчи танишув бўлса, украин саҳнасининг ветеранлари учун Улуғ Ватан уруши йилларини эслатувчи янги завқли учрашув бўлди. 1943 йилнинг июль кунларида И. Франко номидаги Киев театри Тошкентда бошпана топиб, Горький номли театр саҳнасида ўз санъатини намойиш этган, госпиталлар ва ҳарбий қисмларга хизмат қилишда қатнашган, ўзбек касбдошлари билан биргаликда қардошликнинг театр йилномасини яратган эди. «Бизга Ўзбекистоннинг маданияти ҳам, ери ҳам, халқи ҳам азиздир, чунки улар менинг тақдирим ва менинг қардош франкочиларим тақдири бир қисми бўлиб қолган, — деди Киев театрининг кекса арбобларидан бири, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Наталья Ужвий. — Биз дўстларимизни Киевда шодиёна кутиб олишдек ажойиб имкониятдан қувондик, уларнинг санъатидан, театрга келган ва унинг ижодий ишларини давом эттираётган янги авлоддан қувондик. Дўстларимизга истагим шуки, кўпмиллатли мамлакатимиз қардош республикалари оиласида ўзининг 60 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Совет Ўзбекистонининг театр маданияти равнақ топаверсин».

Киев шаҳри.
(ЎзТАГ мухбири).

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Таниқли совет театри ва кино артисти, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Зикир Муҳаммаджонов Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Андижон областлари пахтакорлари ҳузурида бўлиб, ижодий учрашувлар ўтказди.

Санъаткор дала шийпонларида бўлган самимий суҳбатда меҳнаткашларга пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Лениннинг ёрқин сиймосини қандай қилиб яратганлиги ва ижро этганлигини ҳикоя қилиб берди. Айниқса унинг «Олтинчи июль», «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар», «Инқилоб тонги», «Йўлчи юлдуз» каби асарларидаги бош роллари томошабинларга жуда кўп марта манзур бўлди. Санъаткор бундан ташқари ўзбек классик маданиятининг алломалари: Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Фурқат ролларини ижро этиб, томошабинлар ҳурматига сазовор бўлган.



МОСКВА. Лианозовский электромеханика заводининг ишчилари Сергей Фёдорович ва Александра Дмитриевна Безверхнихларни оила ҳаётида рўй берган уч бахтли воқеа билан қизғин табрикладилар. Александра Дмитриевнага 1 даражали «Оналик шуҳрати» ордени топширилиши билан бирга бир подъездда жойлашган уч ёнма-ён квартиранинг калити топширилди. Шунингдек, оилада 10-фарзанд Алёна исмли жажжи қизалоқ туғилди. Оиланинг икки катта фарзанди эса мустақил яшашади. Улар ҳам ўз оиласига эга. Яқинда Александра Дмитриевна ҳаётида яна бир бахтли воқеа рўй берди. У набира кўрди.

Бу катта оила ҳақида завод касаба союзи ҳамиша ғамхўрлик қилиб туради. Сергей Фёдорович узоқ йиллардан бери шу корхонада бригадир бўлиб ишлайди. Александра Дмитриевна эса йиғувчи-слесардир. Уларнинг кўп болалигини эътиборга олиб, ҳар йили санаторийларда дам олиш учун бепул путёвкалар бериб турилади. ТАСС фотохроникаси.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН ОРОМ МАСКАНЛАРИ

Кишини ўзининг мафтункор манзаралари билан лол қолдирадиган Грац Фридрихсбруннда Бернард Кёнен номидаги янги касаба союз дам олиш уйи очилди. У 450 кишининг ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган. Ўтмишда Фридрихсбрунн бой-бадавлат кишиларнинг курорти эди. ГДР ташкил топгандан кейин эса бу ердаги барча собиқ дам олиш хоналари қайтадан жиҳозланиб меҳнаткашлар ихтиёрига берилди. Янги дам олиш уйи республиканинг касаба союз ихтиёридаги ҳисоб бўйича 648-ҳордиқ масканидир. Шу ёз мавсумида Тюринг ўрмонида ва Болтиқ денгизи қирғоқларида бунёд этилган яна ўнта пансионат ҳам ўзининг илк меҳмонларини қабул қилиб олди.

● ДУНЁДА ЭНГ ҚИММАТБАҲО МАРКА

Чех граждани Ярослов Скршиван эски уйининг болахонасини тозалаётиб сарғайиб кетган, қиймати уч центлик марка ёпиштирилган конвертни топиб олди. Почта қўйган штемпелда «1839 йилнинг 8 майи» деган сана ҳамон сақланиб қолган эди. Филателияга ҳеч қандай қизиқиши ва алоқаси бўлмаган Скршиван дунёдаги энг қимматбаҳо почта маркаси эгаси бўлиб қолди. У топган марка Англия почтаси 1840 йилнинг 1 майида чиқарган машҳур қора маркадан бир ёш «катта»дир. Ваҳоланки, ана шу марка Скршиван отаонасининг уйи болахонасини тартибга келтиришга кўл урган вақтга қадар дунёдаги энг қадимий деб ҳисоблаб келинган эди.

● ЁЗИШНИ ҲАМ, ЎҚИШНИ ҲАМ БИЛМАЙДИ

Яқинда Америка телевидениеси орқали мамлакатдаги саводсизлик проблемаларига бағишланган махсус репортаж кўрсатилди. Репортажни олиб борган кишининг гапига қараганда катта ёшдаги америкаликларнинг катта қисми ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. Телекомпания мухбири С. Дилейнининг таъкидлашича, «Ҳозир АҚШнинг 23 миллион граждани ўқишни, ёзишни, оддий арифметик ҳисобларни ечишни ҳам билмайди».

● ҚИЗИҚ ТОПИЛМА

Техас штатида яшовчи америкалик фермер ўз ерига ишлов бераётганида қарийб беш метрли тошбақа қолдиқларини сезиб қолди. Мутахассисларнинг баҳосига қараганда шу тошбақа бундан 69 миллион йил илгари яшаган экан. Ҳозирги вақтда олимлар шунга ўхшаш 250 топилмага эгадирлар.

● ЖИНОЯТ КЎПАЙМОҚДА

Қуёш чиқар мамлакатида 1983 йили 1.541.000 жиноят қайд қилинди, дейилади Япония бош полицияси бошқармасининг Оқ китобида. Ўтган йил давомида полицияга уч миллиондан зиёд марта ёрдам сўраб зудлик билан телефон қилиш ҳоллари юз берди. Кўпчилик кишилар ўзларини босқинчилар ва товламачилардан ҳимоя қилишни талаб этганлар.

● ҚУРҒОҚЧИЛИКДАН КЎРИЛГАН ЗАРАР

Кучли қурғоқчилик Кениянинг 42 округидан 16 тасини қамраб олди. Куна ахборот агентлигининг баҳолашига қараганда бу қурғоқчилик ана шу мамлакатга мисли кўрилмаган даражада зарар келтиради. Сув йўқлиги сабабли жуда катта миқдордаги моллар халок бўлди, қишлоқ хўжалигига эса ҳаддан зиёд зарар етди.

● ЕР ОСТИ СИЛКИНИШЛАРИ

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Покистоннинг шимолида Рихтер ўлчови бўйича беш балл куч билан ер қимирлаган. Зилзила маркази Пешовар шаҳридан 250 километр узоқликда жойлашган.

ИНСОН ТАБИАТ ФАРЗАНДИ

Она табиат, она Ер ҳаётимизнинг замини. Атроф-муҳитни, она табиатни муҳофаза қилиш туганмас хазинамиз — об-ҳавони, оби ҳаётни, тупроғимизни, ҳайвонот ва набототимизни асраб-авайлашимиз ҳар биримизнинг шарафли, муқаддас ва инсоний бурчимиздир. Ердаги заррадан коинот бағридаги митти юлдузларгача табиатимиз бойлигидир. Ҳавонинг мусаффолиги, сувларимизнинг тозалиги, ҳайвонот оламининг ривожи, наботот оламининг гуллаб-яшнаши ҳаётимиз равнақига равнақ қўшади. Шунинг учун ҳам жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, барча зарур чора-тадбирларни белгилаб бермоқда. Қуйидаги материалларда она табиатимиз ҳақидаги лавҳалар билан танишасиз.



Тоғлар жамоли — табиатнинг камолига ўхшай ди. Қорли чўққилар, кўм-кўк адирлар, шарқирама тоғ дарёлари дилга ором беради.

Биласизми? НАБОТОТ АЖОЙИБОТЛАРИ

● Еввойи сабзи таркибида атиргулга нисбатан анча хушбўй — гераниум эфир мойи сақланади.

● Швед ботаниги Карл Ленней гулларнинг турли вақтда очилишидан фойдаланиб ботаник — гул соати тузган.

● Кўпчилик ўсимликлар бир минутда 0,005 миллиметр тезлик билан ўсса, қовоқ бир минутда 0,1 миллиметр ўсади.

● Ботаникларнинг ҳисобига кўра, Ер юзида об-ҳавони олдиндан айтиб берадиган ўсимликларнинг 400 га яқин тури бор.

● Ёмғир олдидан акациянинг сариқ гулида уруғчалар четга сурилиб, унинг марказий қисмида ялтироқ «асал» томчиси пайдо бўлади. Асал ҳиди ариларни ўзига жалб этади. Арилар ғужгони ёғингарчиликдан дарак беради.

● Учқатнинг гули ёмғир олдидан кучли, ёқимли ҳид тарқатади, қурғоқчилик олдидан ҳидини бутунлай йўқотади.

● Номозшомгул қуёш ботиши биланоқ ўзининг тожбаргларини тезлик билан ёза бошлайди. Эрта тонгда қуёш нури таралиши билан гулларини юмиб олади.

● Ер юзида энг кичик гул — Вольффия гулидир. Ундан ташқари, бу ўсимлик жуда кам гуллайди. Баъзи ботаниклар шу ўсимлик гулини кўриш ниятида бутун умрларини сарфлаганлар. Вольффия гулининг катталиги тўғноғич учидек келади.



Она табиат ўз бағрида мўъжизалар сақлайди. Ҳ. Абдуллаев номли геология ва геофизика институти биноси олдига қўйилган мана бу дарахтлар миллион йиллар ер остида сақланиб, тошга айланган. Буларни ўрганиш она-ер тарихини ойдинлаштиради.

М. Нуриддинов фотоси.

• Ноз-неъматлар

ДАРМОН ДОРИЛАРНИНГ СУЛТОНИ

Ез қуёшидан нур эмиб, кавсар сувларни шимириб, тоза ҳаволарда она тупроғимизда сархил мевалар етилди. Ҳар бир мева, ҳар бир сабзавот насибамизга ором, танамизга дармон бўляпти. Қуйида азиз оқшомхонга саховатли ёз неъматларидан баъзиларининг таърифини келтирдик.

ШОТУТ

Қулупнайга ўхшаш тим қизил шотутнинг бешолтитаси ейилса чанқоқни яхши босади. Унинг меваси таркибида витаминлар, кислоталар, қандлар, турли минерал моддалар ва ширин-шарбатлар бор.

Шотутни шаҳарнинг кўча ва хиёбонларига экилса кўркам манзара беради ва ҳавони мусаффолаштиради.

КЎКСУЛТОН

Худди золдирга ўхшаш кўксултонни катта-кичик севиб, нордонлигидан завқланиб истеъмол қилади. Кўксултон таркибида С витамини кўп бўлади. Бу неъмат иштаҳани очиб, чанқоқни яхши босади.

ЛУҚМОН ДАРАХТИ

Ўсимликлар ичида ёнғоқни минг дардга даво, шунингдек луқмон дарахти дейишади. Унинг таркибида кўплаб витаминлар, кислоталар, микроэлементлар, минераллар бор. Ёнғоқ тўйимли, юқори калорияли озиқдир. Луқмон дарахти экилган ерда сув яхши тўпланади, соя-салқин бўлади, ҳаво тозаланади. Ёнғоқ дарахти ёғочидан саноатда кенг фойдаланилади.

ҚОВОҚНИНГ ХОСИЯТИ

Қовоқ ғоят шифобахш неъматлардан биридир. Унинг бир неча турлари бор: картошка қовоқ, сапча қовоқ, осма қовоқ, томоша қовоқ ва бошқалардир. Таркибида мой, қанд, крахмал, минерал тузлар, микроэлементлар, витаминлар бор. У кўпгина хасталикларга даво бўлади.

Халқимиз пазандачиликда қовоқ манти, қовоқ чучвара, қовоқ сомса, қовоқош, ширқовоқ, мошқовоқ, сўкқовоқ каби овқатлар тайёрлайди. Қовоқдан гўшт билан думба қўшиб димлама қилинса ғоят лаззатли бўлади. Бу ўсимлик шаҳар шароитида боғ-боғчаларда жой танламай ўсади ва яхши ҳосил бераверади.

М. ТЎЙЧИЕВ,
табиатшунос олим.

ЧУМОЛИЛАР КАРВОНИ

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Дала йўллари кўклам ёмғиридан кейин худди сувоқ қилингандек тептекис бўлиб қолган. Оёқ босганда сирғангандек енгил юриб боряпмиз. Олдинда оқ яхтак кийган, адл қомат, оппоқ соқоллари кўксиларига тушган бобожоним вазминвазмин қадам босиб атрофга тикиладилар, мен эса бобомнинг саксовулдек чайир қўлларини маҳкам тутиб эргашиб боряпман. Бирдан бобожоним ерга тикилиб, сап-сариқ тупроқ йўлда бир қатим қора ипдек бўлиб ўтаётган чумолилар карвони олдида эгилиб қолдилар:

—Тўхта бўтам, чумолилар карвонини босма, бўтам.

— Нега бобожон, босса ёмон бўладими, чақиб оладими!..

Бобом жилмайиб бошимни силадилар:

— Чумолилар чақмайди, лекин уларни босиб ўлдирсанг гуноҳ бўлади, ахир буларнинг ҳам жони бор, яшагиси келади...

— Чумолилар қаёққа кетяпти, бобожон!

— Тирикчиликка, озиқ-овқат, рисқ-насиба излаб кетишяпти. Қара, қодир табиатни қара, шу митти ҳашарот жисмига бош, кўз, оёқ, юрак, кўй-чи — ҳаммасини берган. Чумолилар беозор, чумолилар меҳнаткаш жонивор... Ер кавлаб, ҳашароту ўсимлик уруғларини еб-йиғиб яшайди. Ҳеч қачон чумолилар карвонини босмагин, озор бермагин бўтам.

Бобом билан дала йўлларидан ўтган ўша дамлар худди кечагидек хотирамда турибди. Мана бугун гуллар кўтариб баҳор айёмида бобожоним қабрларига зиёратга боряпман. Анҳор бўйларида, йўл четларида синиқ-қийшиқ бетонлар, темир-терсаклар уюлиб ётибди. Лекин дала йўллари кўклам ёмғиридан кейин худди сувоқ қилингандек тептекис бўлиб қолган. Сап-сариқ тупроқ йўлда бир қатим қора ипдек бўлиб ўтаётган чумолилар карвони олдида эгилиб, бобожонимнинг сўзларини эсладим:

— Чумолилар беозор, уларга озор берма, бўтам.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Қўриқхоналарда нима гап?

ЧОТҚОЛ ТОҒЛАРИДАГИ ХАЗИНА

Табиат — туганмас хазина. Лекин уни асраб-авайлаш виждоний бурчимиздир. Пойтахт областимизнинг Бўстонлиқ районида Чотқол қўриқхонаси ташкил этилганига қирқ йилча бўлди. Қўриқхона территорияси 35 минг 256 гектар бўлиб, уни ўрмон-дарахтзорлар, ўтлоқлар, қумликлар, сув ҳавзалари, тикка қоялар ва жарликлар ташкил қилади.

Тоғ-ўрмон қўриқхонасида бир юз ўн хил юқори гулли ўсимликлар ўсади. Дарахтлардан арча, дўлана, олма, нок, олча, тоғолча, мажнунтол, тераклар учрайди. Қамишзор, мажнунтол бутазорлари ҳам анчагина территорияни эгаллаган. Ғалла ўсимликларидан какра, бўтакўз, равоч, қизил-қиёқ, сигир қуйруқ, зирклар баланд бўлиб ўсиб, узоқдан кўзга ташланиб туради. Писта, қатранғи кабилар қўриқхонанинг энг қимматбаҳо ўсимликлари ҳисобланади. Булардан ташқари, қўриқхона территориясида човюмир, эримурс деган елим берадиган ўт, шувоқ, кийикўт, явшон, ялпиз, жийда ва шунга ўхшаш эфир мойли ўсимликлар ҳам кўп.

Қўриқхонанинг ҳайвонот дунёси ҳам турларга бой. Бу территорияда сут эмизувчиларнинг 31 та, қушларнинг 109 та, судралиб юрувчиларнинг 10 та, сувда ҳамда қуруқда яшовчиларининг 2 та, балиқларнинг эса 3 та тури учрайди. Чотқол қўриқхонаси территориясида ноёб ҳайвонлардан Сибирь тоғ эчкиси, тулки, сувсар, оқ сичқонлар учрайди. «Қизил китоб»га кирган ҳайвонлардан эса, Тянь шань қўнғир айиғи, мензбир суғури, илвирс, малла бош лочин, болта ютар, итолғи, бургут, қора лайлаклар учрайди.

Чотқол тоғларидаги ажойиб бу қўриқхонанинг табиат бойликлари шу қадар кўп ва ноёбки, уларни доим кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Ҳайвонот ва наботот оламининг ҳар бир ноёб тури ҳаётимиз учун, она табиат учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қ.САМАДОВ,
биология фанлари кандидати, доцент.

Санъатнинг сеҳрли олами

ЁШ ҲАЙКАЛТАРОШЛАРНИНГ АСАРЛАРИ

... Машқдан мускуллари таранг, куч-қувватн балқиб турган кўйлакчан йигит кимнидир кутмоқда. У кимни кутаётгани аниқ. Курашда ғолиб, елкаси ерга тегмаган полвонлардан бири эканлиги анча ишонарли қилиб бронзада акс эттирилган...

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг республика тасвирий санъати бўлими залларида бир неча ёш ҳайкалтарошларни н г асарлари намойиш этилаётир. Яқинда залга қўйилган ҳайкалтарош А. Хатамовнинг «Полвон» асарида юқорида баён этилган ғоявий мазмунни англаш мумкин.

Шу ҳайкалтарош иши ёнида яна бир ёш ҳайкалтарош Ҳ. Ҳақбердиевнинг «Баҳор» деб номланган асари турибди. Ҳайкалтарош ишлари сополда акс этган қушлар қафасларидан иборат бўлиб, унда кўп қушлар тасвирларини томоша қиламиз. Баҳор келиши билан сайроқи қушлар дарахт шохларида яйраб юриши сопол қафасда акс эттирилган.

Ёш ҳайкалтарош Л. Нестерович (1953 йилда туғилган)нинг «Бургут билан овда» асарида ёғочда жонланган овчини отда, бургути билан овга келаётганини завққа тўлиб томоша қиламиз. Овчининг серҳаракатчан қиёфаси ишонарли даражада тасвирланган.

Ҳайкалтарошларнинг янги асарлари санъат мухлисларида катта таассурот қолдирмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

КИНОТЕАТРДА—ЛЕКТОРИЙ

Тошкентдаги Лисунов номли кинотеатрда «Тошкентнинг бугунги ва эртанги куни» мавзуида кинолекторий ташкил қилинди. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари кинолекторий тингловчилари бўлишди. Улар Ўзбекистон пойтахтидаги архитектура ёдгорликлари тўғрисида, шаҳарнинг ҳозирги қурилишлари принциплари ва уни ривожлантириш планлари ҳақида кўпгина қизиқарли нарсаларни билиб оладилар. Суҳбатларни архитекторлар, рассомлар ўтказадилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган ана шундай лекциялар кинофильмлар ва слайдлар намойиш қилиш билан тўлдирилади.

• Нашриёт туҳфаси

АДАБИЁТ ИХЛОСМАНДЛАРИГА

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти шеърият ихлосмандларига навбатдаги тўпламларни тавсия этади. Улар орасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Нормурод Нарзуллаевнинг сайланма асарларининг биринчи жилди ҳам бор.

Сайланма шоирнинг «Суюнчи», «Сизни Ватан эркалар», «Уфқларда кўзларим», «Ёғду», «Ниҳоллар», «Лаҳза» китобларида эълон қилинган шеърлари, қўшиқлари асосида тузилган.

Шунингдек нашриёт Ҳамид Ғуломнинг «Қуёш шаҳри», Сулаймон Раҳимнинг «Учинчи қиз», Машраб Бобоевнинг «Бағишлов» шеърий тўпламларини, Суннатулла Анорбоевнинг «Сайланма» (иккинчи жилдини) кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этди. Болалар адабиёти бўлими Ҳамидулла Ёқубовнинг «Очил дастурхон», Толиб Йўлдошнинг «Қувонч», Чўлпон Эргаш ва Ҳамза Имомбердиевларнинг «Сўнгги қўнғироқ» шеърий тўпламларини, Мурод Хидирнинг «Кўзача ва бўтача» ҳикоялар тўпламини болаларга тақдим этди.

Ш. ШАМСИДДИНОВ.

• Йўл интизомни ёқтиради

МАҲЛИЁ БЎЛИБ

Транспорт воситасини қаерда бошқаришдан қатъий назар хушёрликни заррача сусайтирмаслик ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Айрим ҳайдовчилар эса транспорт ҳаракати суст йўлларда кўча тасодифларга бой эканини унутиб қўйишади.

5-таксопарк ҳайдовчиси М. Исҳоқов 11 июль куни Бежинский кўчасида таксидан тушган йўловчиларга маҳлиё бўлиб қолди. Шу ҳолатда машинани буриш мақсадида орқага ҳайдади. Бу пайтда унинг нигоҳи машина ҳаракатланаётган тарафда эмас, балки тескари томонда эди. Натижада такси машинаси йўлнинг чап томонида турган «23—86 ТНТ» номерли енгил автомобилга урилди.

Шикастланган «Жигули» эгаси Р. Умаров ҳам рўй берган воқеа ҳақида ГАИга хабар бермади. Бу билан у йўл ҳаракати қоидаларига хилоф иш тутди. Чунки йўл ҳаракати қоидаларининг 2.6 пунктида.. «...Йўл-транспорт ҳодисасига даҳлдор ҳайдовчилар рўй берган ҳодиса ҳақида милицияга хабар қилишлари, ҳодисани кўрган гувоҳларнинг фамилияларини ва адресларини ёзиб олишлари, милиция ёки тергов органлари ходимларининг етиб келишини кутиб туришлари шарт»лиги уқтириб ўтилган.

Шу сабабли такси ҳайдовчиси М. Исҳоковга авария содир қилгани, ҳайдовчи Р. Умаровга эса бу фактни яширгани учун маъмурий чора кўрилди.

Ғ. БОЛТАБОЕВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

7 АВГУСТ, 1984 й.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

боққоллик, кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотларн бўйича;

газлама, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари бўйича.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 15 ЁШДАН 20 ЁШГАЧА (Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 23 ёшгача), 8, 9, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги Бош универмаг — ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.

Агар билим юртини битирувчи ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, малака бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, педагогика советининг қарорига мувофиқ билим юртини битириб, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади (битирувчилардан 10 проценти).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11-синфлари ишлайди.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари область Совет ижроия комитети Савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина» ёрдами клиник касалхонаси» бекати). Телефон 78-41-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар, электрон техника асбоблари ва деталларини сиповчилар, электрон техника асбоблари ва деталларининг контролёрлари, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ва регулировкачилари, технологик ускуналарни созловчилар, синов ускуналарининг созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА УНИНГ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8 синф маълумоти бўлганлар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 6 ой, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйича қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. 8 синф ҳажмида маълумотлилар қисман давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко» бекати). Телефон 91-14-51.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

ҚАНДАЙ ТЕЛЕВИЗОР ТАНЛАМОҚ КЕРАК?

ГОРЬКИЙ ШАҲРИДАГИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ЗАВОДИ «ЧАЙКА-733», «ЧАЙКА-738», «ЧАЙКА-739» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.



БУ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ХАРИДОРЛАР ҲУРМАТИГА САЗОВОР БЎЛЯПТИ.

61ЛКЗП кинескопидаги 11 классли такомиллаштирилган рангли «ЧАЙКА-733», «ЧАЙКА-738», «ЧАЙКА-739» телевизорлари оқ-қора ва рангли тасвирдаги телевизион кўрсатувларни бемалол қабул қилади.

«ЧАЙКА-733» ва «ЧАЙКА-738» рангли телевизорларида қўлланилган СВП-4-2 типидаги енгил тугмачали программага оладиган электрон блок, «ЧАЙКА-739» да эса СВП-4-1 типидаги программага оладиган электрон блок қўлланилган.

БУ МАРКАДАГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ИШЛАТИШДА СОДДА ВА ҚУЛАЙ.

Замонавий безакланган, юксак даражада ишончли ва узоқ муддат ишлайди.

«ЧАЙКА-738», «ЧАЙКА-733» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ — 595 СЎМ, «ЧАЙКА-739» — 630 СЎМ.

ГОРЬКИЙ САВДО РЕКЛАМА КОМБИНАТИ.

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСДА



ХИЖОЛАТ БЎЛМАЙ ДЕСАНГИЗ, ЕНИНГИЗДА АБОНЕМЕНТ БИЛЕТЛАРИНИ ОЛИБ ЮРИНГ!

АБОНЕМЕНТ БИЛЕТЛАРИНИ БАРВАҚТ ҚУЙИДАГИ ЖОЙЛАРДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

трамвай ва троллейбусларнинг бекатларидаги касса-автоматлар ва киоскаларда,
диспетчерлик пунктларида;
«Союзпечать» киоскаларида;
барча савдо ташкилотларида.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-58-50).



ЯНГИ ФОРМАДА, ЯНГИ ПОРТФЕЛЬ БИЛАН

МАКТАБГА БОРАМАН...

Яқинда мактабимизда ўқиш бошланади. Бунинг учун минг хил майда-чуйда керакли буюмлар зарур бўляпти; дафтарлар ва альбомлар, ручкалар ва сиёҳлар, акварель бўёқлари ва қаламлар, чизғичлар ва угольниклар.

10 СЕНТЯБРГАЧА

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДАГИ МАКТАБ БОЗОРИДАН

БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБДА ШУҒУЛЛАНИШИ УЧУН КЕРАК БЎЛАДИГАН БАРЧА АШЁЛАРНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«ЧИЛОНЗОР» ЦУМИ (телефон 77-13-06).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24 (25).

216-ШАҲАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПЎЛАТ ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА МОНТАЖЧИ, ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОР, ДУРАДГОР, ҚЎЛДА ПАЙВАНДЛОВЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ҚУРИЛИШ БЎЁҚЧИСИ, МИКРОСХЕМАЛАР МОНТАЖЧИСИ.

Ўқиш муддати — 8 синфни битирганлар учун 3 йил, 10 синфни битирганлар учун 1 йилу 6 ой.

Ўқишга 8—10 синфларни битирган йигит-қизлар таклиф қилинади.

Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

8-синфни битирган ўқувчилар озиқ-овқат, кийим-бош, махсус кийим билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар 30 сўм миқдорида билим юрти бюджетидан стипендия ва ишлаб чиқаришдан 40 сўм миқдорида иш ҳақи оладилар. Бундан ташқари ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасини ўтаётганида иш ҳақининг 50 проценти миқдорида маош тўланади.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ва билим юртини тугатганлиги ҳақида диплом оладилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига ҳисобланади.

Билим юртида техника ижоди, тасвирий санъат, фотоҳаваскорлик тўгараклари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, дзюдо, самбо, классик ва эркин кураш бўйича спорт секциялари, шунингдек спорт-техника секциялари бор.

Билим юртида талабалар учун машина ҳайдашни ўргатиш бўйича 6 ойлик курслар мавжуд бўлиб, ўқувчиларга «В» ва «С» категориялари берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар умумий таълим мактабларини олтин медаль билан битирганлар учун белгиланган имтиёзли шартларда олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар жойдан ва саломатлиги тўғрисида справкалар, 3х4 см. ҳажмда 4 дона фотосурат топширадилар.

АРИЗАЛАР — ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А-4 (25, 28, 29-трамвайларнинг охирги бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАР-УНИВЕРСАЛЬ (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), САНОАТ УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СЛЕСАРЬ, МЕХАНИК, ЙИҒУВЧИ, ФРЕЗЕРЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, ШТАМПОВКАЧИ.

ҲАММА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларнинг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процента берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиги тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан прописка дан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописка дан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар; 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ОБУНАЧИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

1984 йил 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ

ЧЕТ ЭЛ, МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР, РАЙОН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

1985 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

Корхоналар ва муассасалардан обуна 1984 йил 31 августгача қабул қилинади.

ОБУНА БАРЧА «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ВА ИШ ЖОЙЛАРИДА, ШУНИНГДЕК ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бошқармаси.

«Узбекгидроэнергострой» трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

НОВОАНГРЕНСК ГРЭСи қурилишида ишлаш учун металл ва темир-бетон конструкцияларни монтажчиси ҳамда қурилиш майдонларининг электромонтёрларини тайёрлайдиган курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва уларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

Иш даврида ёлғизлар ялпи чиқозланган ётоқхона оладилар. Оилаларларга навбати билан квартира берилади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Оҳангарон райони, Новоангренск ГРЭСи қурилиши;

Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39-«а» уй. Телефон 66-09-02.

КИНО

7 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АГАР ОДАМ ЮЗ ЎГИРСА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«БАДБАШАРА ТОМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«САМОДАГИ ГАРРИ БУПЕР» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«СЕНИМИ, ШОШМАТУР!» — **Қозоғистон** (17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ХОН АСПАРУХ» — **Қозоғистон** (18. 21.00).

«КЕЧИР, МЕНИ АЛЕША» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Хива** (21.45, телефон 32-78-02).

8 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АГАР ОМАД ЮЗ ЎГИРСА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 76-06-20).

«БАДБАШАРА ТОМ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«САМОДАГИ ГАРРИ БУПЕР» — **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«СЕНИМИ, ШОШМАТУР!» — **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ХОН АСПАРУХ» — **Қозоғистон** (12, 15, 18, 21.00).

КЕЧИР, МЕНИ АЛЕША» — **Восток** (жуфт соатларда телефон 91-14-61).

«ТРЮКЧИ» — **Москва** (13.30 16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАР-УНИВЕРСАЛЬ (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), САНОАТ УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СЛЕСАРЬ, МЕХАНИК, ЙИҒУВЧИ, ФРЕЗЕРЧИ, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, ШТАМПОВКАЧИ.

ҲАММА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларнинг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процента берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиги тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан прописка дан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописка дан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар; 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ТВ

7 АВГУСТ

СЕШАНБА

● МТ I

18.15 «Санъатнинг порлоқ елкани». СССРнинг чет эл мамлакатлари билан маданий алоқалари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
19.05 Мультипликацион фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
19.40 «Сиз яратган боғ».
20.10 «ТАСС вакил қилинган...» Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Зенит». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «78-микрорайон». Телевизион бадиий фильм премьераси (Венгрия).
23.00 СССР Давлат академик Большой театри балет артистларининг концерти.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ноқоратупроқда Ўзбекистон ёшлари кунлари (рус.).
19.05 «Давид Кипиани». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Адабий альманах.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Дадабоева, Ҳ. Юсупова ва И. Бўронов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дўстлар маслаҳати — олтиндан қиммат».
22.20 П. Тлегенов. «Бир фожиа изидан». Телеспектакль. 2-қисм.
23.15 Янгиликлар.

8 АВГУСТ

ЧОРШАНБА

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ҳайвонот оламида».
10.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.05 «ТАСС вакил қилинган...» Ун серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.
12.25 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Уз истиқболингни топ», «Иш вақтининг ҳар бир дақиқаси қатъий ҳисобда».
15.45 С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
16.25 «Хазиналар ороли». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
17.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.00 Емилин Буков. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
18.45 Ҳиндистон оҳанглари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультипликацион фильм.
19.40 «Дунё ва ёшлар».
20.20 «ТАСС вакил қилинган...» Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия.
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясида ёзувчи А. Алексин билан учрашув.
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильмлар: «Эртанги кун кўмири», «Лаҳзаларни тўхтатмай», «Фан ва техника».
10.00 «78-микрорайон». Телевизион бадиий фильм.
11.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.40 Мультипликацион фильмлар.
12.10 «Академик В. А. Обручев».
12.40 «Шиддатли шамоллар мавсуми». Бадиий фильм. (Вьетнам).
14.15 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.45 «Аюшка» рус халқ чолғу ансамблининг концерти.
15.05 «Рассом Г. Ханджян». Ереванда олиб кўрсатилади.
15.30 «Оила ва мактаб». Телевизион журнал.
16.00 Ёшлар аудиториясидаги учрашувлар «Инженерлик ҳақида сўз». Кўрсатувда РСФСР олий ва ўрта махсус таълим министри, академик И. Ф. Образцов, СССР автомобиль саноати министрининг ўринбосари А. С. Кобзев иштирок этадилар.
16.35 Янгиликлар.
18.50 «Набрань». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 «Онамларнинг мактаби».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Картинг, Социалистик мамлакатлар Дўстлик кубоги. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Дарвозабон». Бадиий фильм.
23.20 «Шолохов саҳифалари». Фильм-концерт.

УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Нафосат оламида». Киножурнал («Узбектелефильм»).
10.30 Болалар учун. «Бойчечак».
11.00 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопанорама.
12.00 «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Пионер ёзи».
19.00 «Ота-оналар университети».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ишчанлик даврасидаги учрашувлар» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ораста гул». М. Қориёқубов номли ўзбек Давлат филармониясининг солистлари М. Ойнақулова ва С. Орифжонов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап? Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 П. Тлегенов «Бир фожиа изидан». Телеспектакль. 2-қисм.
23.25 Янгиликлар.

Октябрь райпишчеторги жамоаси 43-магазин мудири Б. Мамажоновга онаси

Санда ҚОБИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «ГИДРОИНГЕО» институти коллективлари институтнинг лаборатория мудири Б. Шоёқубов отаси

Шоёқуб АҲМАДШОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Чилонзор район ошхоналар трести коллектив трест директорининг Ўринбосари Ю. Мусажоновга онаси

Шаҳрибону БОБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-86; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

7 АВГУСТ, 1984 й.

Р —12363. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12